*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ШАНБА СОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 141 (9637). • 1989 йил 29 июль • Баҳоси 5 тийин.

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА

МОСКВА. (ТАСС). СССР Олий Советининг биринчи сессиясида 27 июль куни Болтиқбўйи республикаларига иқтисодий мустақиллик бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишга бағишланган мунозараларга якун ясалди. Ана шу масала юзасидан тайёрланган икки қарорнинг лойиҳалари Олий Совет аъзоларининг тасдиғига тақдим этилди.

Сессия депутатларнинг мулоҳаза ва таклифларини ҳисобга олган ҳолда Литва, Латвия ва Эстония ССР Олий Советларининг ана шу республикаларнинг хўжалик ҳисобига ўтиши тўғрисидаги таклифлари ҳақида қарор қабул қилди.

Литва ССР ва Эстония ССР Олий Советларининг ана шу республикаларни иқтисодий мустақилликка ўтказиш тўғрисидаги таклифлари ҳақида ҳам қарор қабул қилинди. СССР Олий Советининг иқтисодий ислоҳот масалалари комитети ҳамда қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетига бошқа комитетлар ва комиссияларнинг, Литва ССР ва Эстония ССРдан сайланган депутатлар группалари вакиллари, СССР Министрлар Совети билан биргаликда 1989 йилнинг 1 октябригача қонун лойиҳасини тайёрлаш ҳамда СССР халқ депутатлари унинг юзасидан билдирган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни эътиборга олиб, тўлиқ ишлаб чиқилган ана шу қонун лойиҳасини муҳокама қилиш учун СССР Олий Советига тақдим этиш топширилди.

Сўнгра депутатлар СССР Олий Совети Президиумининг фармонларини тасдиқлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишни давом эттирдилар. Тасдиқланган ҳужжатлар орасида — 1989 йил 7 апрелда қабул қилинган «СССРда ижара ва ижара муносабатлари тўғрисида»ги Фармон бор. Бунда СССРда ижара ва ижара муносабатлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш муддатлари яқинлашиб қолганлиги муносабати билан ўзгартиш ҳисобга олинди. «Касаба союзларининг ишчи назорати тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш» ҳақидаги Фармон ва бошқа айрим фармонлар тасдиқланди.

Шу куни СССР Олий Совети В. В. Никитинни СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, СССР Озиқ-овқат ва харид давлат комиссиясининг раиси этиб тайинлади.

СССР Олий Советининг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда.

### ШИФОХОНАГА МУКОФОТ

**● АНГРЕН болалар касалхонасига Москвадан соғлиқни сақлаш министри Е. Чазов ҳамда медицина ходимлари Касаба союзи Марказий Комитетининг раиси Л. Новак имзолаган қувончли телеграмма келди. Коллектив мамлакат медицина муассасалари ўртасидаги Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларига мувофиқ фахрий ёрлиқ билан мукофотланди.**

**Ангрен медицина ходимлари даволаш-профилактика ишларини аниқ мақсадни кўзлаб, олиб борганликлари учун ана шу мукофотга сазовор бўлдилар. Кончилар шаҳрида болалар ўлими муттасил камайиб бормоқда. Бу кўрсаткич ҳозир Тошкент областидаги ўртача кўрсаткичдан икки баравар кам. Врачлардан М. Эшмуродова, А. Ким, А. Валиева, ҳамширалар О. Кайгородова ва М. Шелудьколарнинг меҳр-шафқати, юксак касб маҳорати касалликка диагноз қўйиш, уларни даволаш билан боғлиқ масалаларни тез ҳал қилишга ёрдам бермоқда.**

**Касалхонада даволаш базасини мустаҳкамлашга катта эътибор бериляпти. Яқинда бу ерда даволаш, соғлиқни тиклаш ва шошилинч жарроҳлик бўлимлари очилди. Касалхона ҳузурида оналарнинг сиртқи мактаби ҳам фаол иш олиб бормоқда.**

### ПАХТА ТЕРИМИГА ТАХТ

**● ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги ремонт корхоналари ва хўжаликлар ходимлари 1989 йил пахта мавсумига техниканинг барча турларини ремонт қилишни белгиланган муддатдан деярли бир ой олдин тугаллашди. Пахта ва кўрак терадиган 415 та терим машинаси, ердан терилган пахтани тозалайдиган 160 та агрегат ва бир ярим мингдан кўпроқ трактор прицепи ишга шай бўлиб турибди.**

(ЎзТАГ).







### ДАМ ОЛИНГ, ҲОРДИҚ ЧИҚАРИНГ!

**● ТОШКЕНТДАГИ «Ғалаба» истироҳат боғи ҳордиқ чиқариш учун жуда боп жойлардан бири. Бу ерга ташриф буюрувчилар соя-салқинда, кўл бўйида мириқиб дам оладилар. Боғда миллий таомлар, салқин ичимликлар, ширинликлар сотиш пунктлари ҳамиша гавжум. Кўлда оддий ва моторли қайиқларда сайр қилиш имконияти бор. Турфа аттракционлар кичкинтойлар хизматида. Шанба ва якшанба кунлари эса истироҳат боғида Киров район маданият уйлари ансамбллари чиқишлари, корхоналар ишчи коллективларининг оммавий дам олишлари ташкил қилинади. Турли касб соҳибларининг касб байрамлари ҳам мана шу боғда ўтказилаяпти. Хоҳловчилар соғломлаштириш комплексидаги ҳар хил спорт ўйинлари билан машғул бўлишлари мумкин.**

**Истироҳат боғида мириқиб дам олган кишиларнинг кайфияти кўтарилиб, кейинги меҳнат кунларидаги ишлари ҳам унумлироқ бўлади.**

М. НАЗАРОВ.

Суратларда: истироҳат боғида.

Автор суратлари.



## • Халқ бахшилари: асримиз тенгдошлари



● ЎЗБЕКИСТОН ССР. Хоразм области жамоатчилиги, Хива яқинидаги Саёт посёлкаси аҳолиси яқинда халқ бахшиси Қурбонназар Абдуллаев [Бола бахши]нинг 90 йиллигини чинакам фольклор байрами сифатида кенг нишонладилар.

Ўн яшар чоғидаёқ дастлабки достонларини ёд ола бошлаган Бола бахши, бутун умри мобайнида эзгулик, адолат, дўстлик тушунчаларини тараннум этиб, халқ оғзаки ижодиётини нодир намуналар билан бойитиб келди.

Ўзига хос бу байрамда кўплаб ҳаваскор санъаткорлар билан бир қаторда, иттифоқдош республикалардан келган меҳмонлар ҳам иштирок этишди. Суратда: халқ бахшиси Қурбонназар Абдуллаев.



● ҚИРҒИЗИСТОН ССР. Ўш областининг Олой районидаги тоғли Гулчи қишлоғида истиқомат қилувчи Ўғилбу Кенжабоева яқинда ўз умрининг юзинчи баҳорини қарши олди. У катта оиланинг мўътабар онахони: 4 ўғил, 6 қизни тарбиялаб вояга етказди, 125 та невара ва чеваралари бор.

Ўғилбу Кенжабоева қўли гул аёллардан. Бутун умрини бир қишлоқда ўтказган бу аёл ҳар қандай ишни ҳам бемалол уддалайди. У, айниқса, мусиқани севади. Дутор ва рубобни маҳорат билан чалади. Унинг уйида ҳамиша куй янграб туради.

ТАСС суратлари.

ДИҚҚАТ, ЯНГИЛИК!

## ЭКСТРАСЕНСЛАР КОМИТЕТИ ТУЗИЛАДИ

КЕЙИНГИ пайтда матбуотда ўта сезувчан кишилар, улар биотоклар ва бошқа воситалар орқали беморларга таъсир этаётганликлари тўғрисидаги турли маълумотларни ўқияпмиз. Бундай ғайриоддий кишиларнинг сони тобора кўпаймоқда. Лекин улар тарқоқ ҳолда иш олиб боришаяпти. Шунинг учун бўлса керак, улар ҳақида гоҳ мақтовни, гоҳ танқидий фикрларни эшитиш мумкин. Шуларни ҳисобга олиб, москвалик экстрасенсларнинг тажрибасини ўргана бориб, СССР илмий инженерлар жамияти Ўзбекистон республика правлениесининг ходимлари ҳам хайрли ишга қўл урдилар: Ўзбекистонда экстрасенслар комитети тўзишга киришилди.

Яқинда Тошкентда экстрасенсларнинг биринчи учрашув-йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрлиги ходимлари, шифокорлар, инженер, биолог, химик, физиклар, журналистлар, қизиққан ўртоқлар иштирок этишди. Комитетни тузишдан мақсад — республикамиздаги экстрасенсларни бирлаштириш, қобилиятли кишиларга имконият яратиб, уларга муолажа учун муассасалар ташкил этишдан иборат эди.

СССР илмий инженерлар жамиятининг Ўзбекистон республика правлениеси котиби Дилшод Аҳмаджонович Исматуллаев йиғилишни оча туриб, шундай деди:

— Бу ишни республика миқёсида олиб бориш, экстрасенслар тажрибасини кенг ёйиш, ҳақиқий қобилиятли кишиларни комитетга бирлаштириб, унга раҳбарлар сайлаш — биринчи галдаги вазифадир.

Йиғилишда ҳамма ўз фикрини баён қилди. «Оддий одамларга қараганда кўпроқ ахборот ола билиб, уни аниқ етказиб бера олган кишини ўта сезувчан — экстрасенс деб айтсак бўлади, — деб таърифлади биолог Сайфулла Ниғматов. — Бундай кишиларнинг айримлари туғма бўлади. Фаолиятимизни медицина билан боғлаб олиб боришимиз, экстрасенслар одамларга наф бераётганликлари учун илмий ва инженерлик жамияти қошида комитет тузиш зарур».

Йиғилишда ўта сезувчанлар уюшмасини ташкил қилиб, уларни соғлиқни сақлаш мимистрлиги назорати остига олиш, махсус поликлиникалар ташкил қилиш кераклиги ҳам таъкидланди. Экстрасенслар информатика, психология, медицина, биология, химия, физика, фантастика каби турли соҳаларда иш олиб боришлари мумкин.

Шунинг учун ҳам уларнинг соҳаларини аниқлаб, бўлимлар ташкил қилиш тўғрисида таклифлар киритилди. Шунингдек республикамиздаги ҳақиқатан қобилияти бор, ўта сезувчан, илмий томондан етук шахсларни рўйхатга олиб комитет составига киритиш каби қатор вазифалар ҳам белгилаб олинди.

С. СУЛТОНОВА.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИДА

## КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

● «МАЙ» посёлкасида 280 ўринли болалар комбинати қуриб битказилди. Икки қаватли, барча қулайликларга эга бўлган бу бинони аслида 1990 йилда битказиш кўзда тутилган эди. 30-хўжаликлараро қурилиш колоннасининг Йўлдош Қўканов бошлиқ ишчилари қурилиш ишларини чаққонлик билан сифатли бажардилар. Комбинат шу йил 1 сентябрдан кичкинтойларни ўз бағрига олади.

## ШАФҚАТ ҲАМШИРАЛАРИ

● РАЙОН социал таъминоти бўлими ҳамда район «Қизил яримой» жамияти аъзолари ҳамкорликда хайрли ишга қўл уришди. Саккиз кишидан иборат бўлим ташкил этилиб, «Шафқат ҳамширалари» деб аталди. Улар райондаги 90 нафардан ортиқ ёлғиз ҳамда ёрдамга муҳтож қарияларнинг ҳолидан хабар олиб туришади. 15 нафар қарияга икки ҳамшира бириктирилган бўлиб, бири уларнинг саломатлигини назорат қилса, иккинчиси уй юмушларига кўмаклашади.

80 ёшли Анна Некрасова, 95 ёшли Мария Касулина сингари кексалар ҳамширалар хизматидан миннатдор бўлишмоқда.

## «ОРОМ» МЕҲНАТКАШЛАР ХИЗМАТИДА

● Қибрай посёлкаси марказидаги гумбазсимон қурилган колхоз бозори анчадан бери фойдаланилмай ётарди. Яқинда ўша ерда «Ором» деб номланган бар ишга туширилди. Чой, яхна ичимликлар билан савдо қилувчи мазкур барда музика тинглаш, адабий мушоиралар ҳам ўтказиш мумкин. Барнинг ёнгинасига қурилган сартарошхона ҳамда модалар ательеси халқ хизматига шайлаб қўйилди.

Ш. ТАЛАЕВ.

КЕКСА ҒАЗАЛХОНЛАР ИЖОДИДАН

## БЕЗАВОЛ БЎЛҒАЙ

Тилингга эҳтиёт бўлсанг сўзинг қанду асал бўлгай.
Сўзингдан баҳра олса эл аро мангу ғазал бўлгай.

Ҳақиқат бобидан бир жумла маъно қўшмайин ёзсанг,
Қуёш нурини тўсган ё бўлуб, ё хом хаёл бўлгай.

Жаҳонда бебаҳо инсон дили гавҳар, ширин сўзлик,
Ширин сўз лаззатин билмасга айтма сўз,
увол бўлгай.

Ҳаётнинг лаззати ҳам тўғри сўз ичра муҳассамдур,
Татиб ором олур дил мантиқи маъно тугал бўлгай.

Ҳаё-ю боадаб, иффат билан сўзлаб дегил ростин,
Тафаккур айласанг дилдан сўзинг доно мақол бўлгай.

Вафоли эл билан Ҳамдам бўлиб айтгил адолатни,
Сўзинг эл қалбида доим ҳамиша безавол бўлгай.

ҲАМДАМИЙ

ҲАР ТЎҒРИДА

## ҒАЛАТИ ОДАТ

ИСПАНИЯНИНГ Маялда шаҳрида яшовчи халқнинг фақат ўзигагина хос ажойиб анъаналари бор. Улардан бири янги турмуш қурадиганлар билан боғлиқ. Халқнинг қадимий анъанасига мувофиқ келин-куёв никоҳдан ўтгач уларнинг қариндошлари ва таниш-билишлари турмуш қураётганларни оёғидан осиб қўйишади. Улар узоқ вақт ўпишганларидан кейингина бундай ноқулай ҳолатдан ҳалос бўлишади, акс ҳолда оёқдан осилганча тураверадилар. Бу анъана амалга ошгандан кейингина келин-куёв ҳам тўйга ташриф буюрадилар, ҳам ноз-неъматлар билан безатилган стол атрофига ўтирадилар, деб ёзади «Свет в образах» журнали (ЧССР).

## «РЕКОРДЧИ» ТИМСОҲ

УНИ рекордчи деб бежиз айтишмайди. Таиландликларнинг миллий ғурури ҳисобланган бу жонивор ҳозирги вақтда жаҳондаги энг катта тимсоҳ ҳисобланади. Бўйининг узунлиги салкам 7 метрли бу ҳайвоннинг вазни бир тонна 114 килограмму 270 граммни ташкил этади. Гиннес рекордлари китобига мувофиқ бутун дунё ҳайвонот боғларида унга тенг келадиган судралиб юрувчилар йўқ.

Муҳаррир Н. НАСИМОВ.

## • РАССОМ ҲАЖВ ҚИЛАДИ •



ТРЕНЕР:— Мана шу темиртерсаклар «чўққи»сига чиқишни машқ қилаяпмиз. Кейин машғулотни ҳақиқий тоғларда давом эттирамиз.




— Ия, туққан болангизни олиб кетмайсизми!

— Ҳозирча у бизга керак эмас, болалар уйига топшира қолинглар.

А. ҲАКИМОВ чизган расмлар.


## • Реклама ва эълонлар •

МАКТАБЛАР, ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТЛАРИ, ТЕХНИКУМЛАРНИНГ ДИРЕКТОРЛАРИ, ШУНИНГДЕК ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

**ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРГА 1990 ЙИЛ УЧУН ХУСУСИЙ ВА ИДОРАВИЙ ОБУНА БЎЛИШ**
1 ОКТЯБРДА ЯКУНЛАНАДИ

**Яъни, янги ўқув йили бошлангандан кейин бир ой ўтгач обуна тугайди.**

Сизларга олдиндан, ёзги каникуллар бошланишига қадар идоравий обуналарни расмийлаштириб қўйишни, шунингдек ҳамма мактаб ўқувчилари ва ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар талабаларининг келгуси йил учун зарур нашрларга ёзилишлари ҳақида ғамхўрлик кўрсатишларингизни тавсия этади.

1990 йил учун газета ва журналларга хусусий обуна барча алоқа узеллари ва бўлимлари, «Союзпечать» агентлиги, шунингдек иш ва ўқиш жойидаги жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан эркин равишда қабул қилинади.

Ташкилотлар ва ўқув юртларидан 1990 йил учун газета ва журналларга идоравий обуна чекланмаган равишда «Союзпечать» агентликлари томонидан эркин тарзда қабул қилинади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ «СОЮЗПЕЧАТЬ» АГЕНТЛИГИ.


Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р — 11859 Б.—1652. Индекс: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12